

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМИРЗАКОВ ЗАКИР БАХРИДДИНОВИЧ

**COVID-19 НИНГ КЛИНИК ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ТИББИЙ ЁРДАМ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ
ТАМОЙИЛЛАРИ (Самарқанд вилояти мисолида)**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.33 – Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлаш менеждменти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умирзаков Закир Бахриддинович

COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий тамойиллари (Самарқанд вилояти мисолида)..... 3

Умирзаков Закир Бахриддинович

Клинико-иммунологическая характеристика COVID-19 и организационные принципы предоставления медицинской помощи (на примере Самаркандской области)..... 21

Umirzakov Zakir Bahriddinovich

Clinical and immunological characteristics of COVID-19 and organizational principles for the provision of medical care (on the example of the Samarkand region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМИРЗАКОВ ЗАКИР БАХРИДДИНОВИЧ

**COVID-19 НИНГ КЛИНИК ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ТИББИЙ ЁРДАМ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ
ТАМОЙИЛЛАРИ (Самарқанд вилояти мисолида)**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.33 – Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлаш менеждменти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3PhD/Tib1587 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Зиёдуллаев Шухрат Худойбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Янгиева Нодира Рахимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Саратов давлат тиббиёт институти
(Россия Федерацияси)**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (616.988-036.362.14:575.171 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./Факс: (+99866) 233-77-75.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятлов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги бир марталик
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йиллардаги воқеалар (хусусан, COVID-19 инфекциясининг пандемияси), юқумли касалликлар муаммоси долзарблигини эътиборга олмаслик росмана (принципиал) нотўғри стратегик қараш эканлигини ҳамда замонавий шароитда юқумли касалликларнинг тарқалиш жараёнини тўхтатиш ўнғай эмаслигини, аксинча тобора мураккаблашаётганлигини яққол намоён этмоқда. COVID-19 нинг пайдо бўлиши ва оммавий тарқалиши инфекциянинг клиник-иммунологик хусусиятларига доир илмий маълумотлар ҳамда тиббий хизмат ташкиллаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...2020 йил 30 январда янги коронавирус инфекциясининг авж олишини, жамоат саломатлигини сақлаш соҳасидаги, халқаро аҳамиятга молик фавқулдда вазият сифатида тан олинди...»¹. Ҳозирги вақтда SARS-CoV-2 келтириб чиқарган янги коронавирус инфекциясининг (COVID-19) эпидемиологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар етарлича эмас ва асосий манба COVID-19 пациентлари ҳисобланади. COVID-19 муносабати билан тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий жиҳатлари, бемор организмда кечувчи айрим иммунопатологик жараёнлар, уларнинг касаллик манифестациясидаги ўрни қисман ўрганилган.

Жаҳонда янги коронавирус инфекцияси пайдо бўлиши муносабати билан, касалликка нисбатан мажмуавий тадбирлар борасида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юксак сиёсий хайрихоҳлик намунаси намоён этилди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизими учун батамом янги муаммолиги боис, жаҳонда COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятларига доир илмий маълумотлар ҳамда тиббий хизмат ташкиллаштирилишини белгиловчи андоза йўқ эди. SARS-CoV-2 келтириб чиқарадиган иммунологик ўзгаришлар етарлича тушуниб етилмаганлиги сабабли, беморларда коронавирус инфекциясининг асоратлари ривожланишининг олдини олиш ва бартараф этиш муаммоси мураккаб бўлиб қолмоқда.

Ваҳоланки, муайян лаборатория кўрсаткичлари COVID-19 беморларига нисбатан клиник қарорлар қабул қилиниши борасида беназир асос ҳисобланади. COVID-19 нинг пайдо бўлиши ва оммавий тарқалиши аҳолига тиббий хизмат тақдим этилишининг янги шакллари татбиқ этиш, тиббиёт ходимлари ва даволаш-профилактика муассасалари (ДПМ) раҳбарларининг бурч-вазифалари, ташкилий-бошқарув фаолият доираси муайян даражада кенгайтирилишини ва мувофиқлаштирилишини тақозо этади. Аввало, COVID-19 муаммоси асносида тегишли ДПМ нинг ҳам, тиббиёт ходимларининг ҳам фаолияти ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ва рисоладагидек сифат таъминланиши нуқтаи-назаридан таҳрир этилиши зарур. Шуларга кўра, «...COVID-19 нинг тарқалиш

¹ M Patrice Lindsay et al., World Stroke Organization WSO Global Stroke Fact Sheet. 2020.

кўламини, инфекциянинг клиник-иммунологик хусусиятларини ва уларни белгиловчи омилларни ўрганиш асосида касалликни ташхислаш жараёнининг ва беморлар олиб борилишининг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади...»². Юқорида келтирилган далиллар танланган мавзунинг долзарблигини, нафақат тиббий, балки ижтимоий йўналтирилганлигини, ҳамда иқтисодий аҳамиятини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сонли «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сонли «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари VI «Тиббиёт ва фармакология» бўлими, ДИТД-10 “Одам касалликларининг профилактикаси, ташхисоти, даволаш ва реабилитациясининг янги технологияларини ишлаб чиқиш” бандига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ 2020 йил январь ойида ХКТ-10 нинг “Фавқулудда вазиятларда фойдаланиш учун кодлар” бўлимига COVID-19 учун махсус код - U07.1 COVID-19 ни қўшиб янгилади (World Health Organization, 2020). ЖССТ 2020 йил 11 февралда янги коронавирус келтириб чиқарган инфекциянинг расмий номини – COVID-19 («Coronavirus disease 2019») сифатида белгилади. Вируслар таксономияси бўйича Халқаро қўмита 2020 йил 11 февралда инфекция кўзгатувчисининг расмий номини – SARS-CoV-2 деб атади (WHO-ICR. Geneva: World Health Organization. 2020).

Эпидемик вазиятнинг одатдан ташқари кескин тус олиши боис ЖССТ томонидан COVID-19 пандемиясини бартараф этиш ва манфаатдор миллий томонларга жавоб чораларини қўллашга доир тизимланган ёндашувни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ишлаб чиқишда кўмаклашиш бўйича стратегик мақсадлар баён этилган «Шайликни ва жавоб чораларини таъминлаш бўйича Стратегик режа» тайёрланди (WHO, IFRC, UNICEF. Geneva: World Health Organization; 2020).

COVID-19 нинг пайдо бўлиши, аввало, тезкор таъхис этиш ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазифаларни қўйди (Williams E.J. et al., 2020; Cao B., Wang Y., Wen D. et al., 2020). Дастлабки тадқиқотлар, бемордан бошқа шахсларга инфекциянинг юқиши ҳаво-томчи йўл орқали содир бўлишини кўрсатди (Ortega J.T., 2020; Liu W. et al. 2020). Клиник ва вирусологик тадқиқотлар натижасида, SARS-CoV-2 беморлар юқори нафас йўлларида касалликнинг илк босқичларида (Li G. et al., 2020; Yang Y. et al., 2020; Huang C. et al., 2020), аломатлар пайдо бўлгач дастлабки 3 кун мобайнида жадал ажралиши аниқланди (Paranjpe I. et al., 2020; Tang N. et al., 2020). ЖССТ ва айрим илмий жамоалар томонидан COVID-19 муносабати билан тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий жиҳатлари (WHO, 2020; Xu Z. et al., 2020; Tan C. et al., 2020; Zhou L. et al., 2020), бемор организмида кечувчи айрим иммунопатологик жараёнлар, уларнинг касаллик манифестациясидаги ўрни (Liu W. et al., 2020; Caputo V. et al., 2020; Lai C.C. et al., 2020; Kappert K. et al., 2020) қисман ўрганилган.

Шу билан бирга, COVID-19 га хос иммунологик ўзгаришлар, уларнинг прогностик аҳамияти ҳамда кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг ташкилий жиҳатлари борасида илмий изланишлар амалга оширилмаган. Танланган илмий тадқиқот мавзуси айнан ушбу масалаларнинг ечимига қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 - сонли илмий тадқиқот ишлари «COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий тамойиллари (Самарқанд вилояти мисолида) мавзуси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш асосида тиббий хизмат тақдим этилишининг ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 нинг клиник ва иммунологик кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликларни аниқлаш ва баҳолаш;

ретроспектив ва проспектив анализ асосида COVID-19 кечишининг турли оғирлик даражаларида хужайравий иммун жавоб ўзгаришларини ўрганиш ва прогностик қийматини баҳолаш;

COVID-19 да гуморал иммун жавоб динамикасини аниқлаш ва иммунокорректив давога тавсияларни ишлаб чиқиш;

эксперт баҳолаш орқали беморларга тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий жиҳатларини баҳолаш ва уни такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида).

Тадқиқотнинг объекти Самарқанд вилоятида 2020 йилда қайд этилган COVID-19 пациентлари (2506 нафар), жумладан реанимация ва интенсив

терапия бўлимларида даволанган беморлари (727 нафар) ҳамда касалланган тиббиёт ходимлари (125 нафар) бўлди. Ушбу инфекциянинг оилавий эпидемик ўчоқлари (111 та) ва беморлар билан оилавий мулоқотда бўлишган шахслар (833 нафар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети: COVID-19 нинг тарқалиш жадаллиги, динамикаси, таркиби ҳамда уларнинг детерминантлари. Аҳолини SARS-CoV-2 РНК си мавжудлигига текшириш натижалари. COVID-19 беморларини клиник-иммунологик, ускунавий текширув кўрсаткичлари, прогностик предикторлари, COVID-19 беморлари билан оилавий мулоқотда бўлишган шахсларнинг клиник-иммунологик текширув кўрсаткичлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тиббий-ижтимоий, клиник, иммунологик, эпидемиологик, статистик ва эксперт баҳолаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 вирусининг коагулопатия орқали қон томир эндотелий ҳужайраларига танлаб таъсир этиши сабабли иммун статус кўрсаткичлари ўзгаришига корелляцион боғлиқлиги исботланган;

SARS-CoV-2 га қарши IgM, IgG ва IgA нинг пайдо бўлиши, максимал титрга етиш муддати, IgG нинг касалликнинг оғирлигига мутаносиблиги ва реконвалесцентлар қон зардобининг иммунотерапевтик ($\chi^2=23,332$, нисбий имконият – НИ=4,6857, $p=0,001$, моделнинг аниқлиги 76,74%) хусусиятларига кўра ушбу мезонларнинг прогностик жиҳатлари исботланган;

COVID-19 патогенезида агрессив цитокин бўрони ҳисобига организмда респиратор дистресс синдром, полиорган етишмовчилик оқибатида Т-лимфоцитлар ва цитокинлар мувозанатини бузилиши касаллик оғирлигининг прогностик мезони эканлиги исботланган;

COVID-19 да беморлар ҳолатининг оғирлашиши ва лимфопения даражаси, цитотоксик Т-лимфоцитлар мутлақ сони камайиши вируснинг қон томирлардаги тромбозга олиб келувчи таъсири билан боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 пациентларининг клиник ҳолатини баҳолашга қаратилган лаборатор-ускунавий текширувлар амалга оширилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган;

COVID-19 реконвалесцентлари қон зардоби таркибидаги иммуноглобулинлар фракцияларини клиник амалиётда иммунотерапевтик восита сифатида қўллаш борасида таклифлар ишлаб чиқилган;

COVID-19 тарқалиш табиатига кўра “экзотик”ликдан “эндемик”лик мақомини касб этгач, SARS-CoV-2 РНК си мавжудлигига лаборатория таҳлили учун намуналарнинг олинishi ва касаллик ташхисоти ЖССТ нинг “Инфекциялар билан қарши курашиш” тамойили асосида йўлга қўйилишига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

COVID-19 га доир тиббий хизмат тақдим этилиши борасида жамоат саломатлиги нуқтаи-назаридан ёндашувни, шаклланаётган вазиятга

мувофиқликни, интегративлик ва стандартликни, рақамли технологиялар қўлланилишини, устуворлик амбулатор-поликлиник ёрдамга қаратилишини кўзда тутувчи концептуал ёндашув асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усуллар ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар ва соғлом аҳоли сонининг етарлилиги, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи иммунологик, жамоат саломатлиги, эпидемиологик, молекуляр-генетик, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 тарқалишини белгиловчи детерминантлар, оилавий мулоқотдаги шахслар ўртасидаги иккиламчи ҳолатлар частотаси, “ўчоқлилик” ва клиник-иммунологик кўрсаткичлар, иммунологик кўрсаткичларнинг касаллик кечишидаги ўрни ва прогностик аҳамияти, тиббий ёрдам кўрсатилишининг ташкилий жиҳатлари, касаллик кечишининг манифестация даражасини ва реанимацион пациентлар тавсифини ифодаловчи предикторлар очиб берилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аҳоли диспансеризацияси борасида янги маълумотлар олинishi, COVID-19 беморлари ҳолати оғирлигининг клиник-иммунологик индикаторлари, прогностик предикторлари аниқланиб тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиши, аҳолига ва беморларга тиббий хизмат тақдим этилиши ЖССТ нинг “Инфекциялар билан қарши курашиш” тамойили асосида амалга оширилиши ва устуворлик мавқеи амбулатор ва амбулатор-COVID маркази фаолиятига қаратилиши мақсадга мувофиқлиги асосланиб тегишли тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, аҳоли ўртасида ва ДПМ ларда COVID-19 профилактикасига доир концептуал ёндашув шакллантирилиши, тақдим этилаётган тиббий-ижтимоий хизмат сифати такомиллаштирилиши, самарадорлигининг оширилиши ва эпидемиологик барқарорлик таъминланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятларини ва тиббий ёрдам кўрсатилишининг ташкилий жиҳатларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Илмий янгиликнинг моҳияти: COVID-19 патогенезида вирусли-иммунологик интеграциянинг аҳамиятини, хужайравий иммунологик кўрсаткичларнинг ушбу касаллик оғирлик даражасига мутаносиблиги ва кўламнинг турли оғирлик даражаларида хужайравий иммун жавоб ўзгаришларини прогностик қийматлари аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* COVID -19 реконвалесцентлари қон зардоби таркибидаги иммуноглобулинлар фракцияларини клиник амалиётда иммунотерапевтик восита сифатида қўллаш борасида таклифлар ишлаб чиқилган. *Илмий*

янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси, Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳамда юқумли касалликлар шифохонаси амалиётга 2022 йил 16 мартдаги Самарқанд вилоят СЕО ва ЖСБ бошқармасининг 1-сонли жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш COVID -19 беморларини фаол аниқлаш, лаборатория текшируви учун намуналар олинишини мақсадли йўлга қўйиш ҳисобига таҳлиллар сонини ва эпидемиологик хавфни кескин камайтириш, касалликнинг енгил ва ўртача оғирликдаги шаклларида беморларга амбулатор ёрдам кўрсатиш, ўринлардан рационал фойдаланиш, тиббиёт ходимлари фаолиятини интеграциялаш ва мувофиқлаштириш, хизмат сифатини ва комплаентликни яхшилаш, соғайганлар ҳиссаси ва асраб қолинган ҳаётлар миқдорини ошириш, аҳолининг ўртача умрини узайтириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, соғлиқни сақлашнинг жамиятдаги мавқеини юксалтирган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* стационар шароитдаги ўринларга нисбатан эҳтиёжи камайган, тиббиёт ходимлари фаолияти интеграциялашга ва мувофиқлаштиришга эришилган, хизмат сифати ва комплаентлик яхшилانган, иш самарадорлиги оширишга эришилиш орқали даволашга сарфланадиган харажатлари хар бир беморга 285 минг сўмга камайтиришга эришилган. *Хулоса:* COVID-19 кечишининг турли оғирлик даражасидаги беморларда гуморал иммун жавоб кўрсаткичларининг динамикаси ўрганилиб «COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий тамойиллари ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш асосида тиббий хизмат тақдим этилишининг ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* COVID -19 ни барвақт ташхислаш, беморларга ва аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини, самарадорлигини ошириш, аҳоли касалланишининг бошқарувини яхшилаш, эпидемиологик барқарорликни таъминлаш борасидаги илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарликни такомиллаштирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилояти санитария - эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси буйруғи (151 У-сонли 2021 йил “8” октябр) билан марказ ва унинг ҳудудий бўлимларида амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Яратилган концепция ва тавсияларнинг амалий натижадорлиги, аввало, соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражадаги мутасаддилари, бош мутахассислари томонидан мазкур ишланмага нисбатан барқарор хайрихоҳлик намунасини кўрсатишлари ҳамда ўз йўналишлари доирасида COVID-19 га дахлдор рисоладагидек тиббий хизмат тақдим этилиши, мавжуд муаммолар бартараф этилиши учун

юксак масъулиятни ҳис этишлари билан белгиланган. *Хулоса:* COVID-19 га доир тиббий хизмат тақдим этилиши борасида жамоат саломатлиги нуқтаи-назаридан ёндошувни, шаклланаётган вазиятга мувофиқликни, интегративлик ва стандартликни, рақамли технологиялар қўлланилишини, устуворлик амбулатор-поликlinik ёрдамга қаратилишини кўзда тутувчи концептуал ёндошув асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: COVID -19 кечишининг турли оғирлик даражаларида ҳужайравий иммун жавоб ўзгаришларни ўрганиш ва прогностик қийматини баҳоланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Реконвалесцентлар қон зардоби таркибидаги анти САРС-СОВ-2 IgG даражаси беморнинг ёши, жинси, касалликнинг оғирлигига тўғри ва реконвалесценсия муддатига эса тескари боғлиқ ($X^2=23,332$, нисбий имконият $H_1=4\ 6857$, $p=0,001$, моделнинг аниқлиги 76,74%) эканлиги аниқланди шу асосда реконвалесцентларнинг қон зардобида анти- САРС-СОВ-2 нинг тўлиқ йўқолиш муддатларини олдиндан башоратлаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилояти ОИТСга қарши курашиш марказига буйруқ (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 январдаги 8н-р/69-сон маълумотномаси 7 У- сонли 2021 - йил “11” октябр) билан марказ ва унинг ҳудудий филиалларида амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: клиник амалиётда беморларнинг гуморал ва ҳужайравий иммунитет кўрсаткичлари таҳлили касаллик кечишининг оғирлик даражасини олдиндан аниқлаш прогностик ноҳуш ҳолатлар мавжудлигида иммунотерапевтик восита сифатида даволаш тадбирлари мажмуасидан иборат бўлган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ушбу банд назарий аҳамиятга эга ва олинган натижалар ишлаб чиқилган услубий тавсияларда акс этган. *Хулоса:* IgM, IgG ва IgM синфига мансуб антитаналар COVID-19 беморларда касаллик бошланишининг дастлабки 10 кунлигида турли оғирлик даражасида ўрганилган ва касаллик кечишининг оғирлик даражаси ошишига мутаносиб равишда, юқори титрдаги антитаналар частотаси ошиши аниқланган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: COVID-19 ни "Онлайн патронаж" орқали аниқлаш тартиби ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар алгоритми ишлаб чиқилди. Шу билан тиббий ходимларнинг касалланиши камайишига эришилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* COVID-19 муносабати билан тақдим этилган тиббий хизматнинг жамоат саломатлиги нуқтаи-назаридан ташкиллаштиши, интегратив табиати ва стандартлигининг таъминланганлиги ҳамда рақамли технология имкониятларидан самарали фойдаланиши ташкилий ечимини топиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилояти санитария - эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги буйруқ (151 У-сонли 2021 – йил “18” октябр) билан марказ ва унинг ҳудудий бўлимларида амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

вируснинг тарқалишини секинлаштириш ва тўхтатишга, барча беморлар учун мақбул ёрдамни таъминлашга, эпидемиянинг соғлиқни сақлаш тизимлари, ижтимоий хизматлар ва иқтисодий фаолиятга салбий таъсирини камайтиришга эришилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: меҳнат унумдорлигининг ошиши, миллий даромад кўпайиши, воситалардан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш кабиларда ўз ифодасини топади. *Хулоса:* Тиббий ходимларда таққосланаётган гуруҳлардагига қараганда COVID-19 нинг оғир кечиши, гуруҳлар ўртасидаги инфекциянинг юқиш шароитларидаги ўзига хослик (тафовут) билан изоҳланган. “*Онлайн патронаж*” орқали тиббий ходимларининг инфекция юктириб олиш хавфи камайди. Меҳнат унумдорлиги ошган. «COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий тамойиллари (Самарқанд вилояти мисолида)» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш натижасида 1949 400 млн сўм бюджет маблағларидан тежалган.

Умирзаков Закир Бахриддиновичнинг “COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий тамойиллари (Самарқанд вилояти мисолида)” мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 2022 йил 28 февралдаги 6-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган. Илмий янгиликларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида ҳар бир нафар бемор ҳисобига давлат бюджети ҳисобидан 114,300 минг сўм ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 42.500 сўм иқтисод қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган,

тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 нинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва тиббий ёрдам тақдим этилишининг ташкилий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида, муаммо ҳолатини очиб берувчи маълумотлар келтирилган. COVID-19 кўзгатувчисининг тавсифи, эпидемиологияси, клиникаси ва иммунопатогенетик механизмлари, ташхислаш усуллари, эпидемияга қарши шайликни таъминлаш ва тиббий хизмат тақдим этилишига нисбатан тамойиллар ёритилган. Ўрганилиши тақозо этиладиган масалалар белгиланган ва тадқиқотни амалга ошириш заруриятини асослаш хулосаси билан якунланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва текширув усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг ҳамда мулоқотдаги шахсларнинг умумий тавсифи, текшириш усуллари баён этилган. Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси, COVID-19 беморларини даволашга ихтисослаштирилган стационарларда касалланишни ва тиббий хизматнинг ташкилий жиҳатларини акс эттирувчи 2020 йилдаги расмий маълумотлари, хос ташхисот билан шуғулланган лабораторияларнинг маълумотлари ҳамда COVID-19 билан касалланган 2506 нафар беморларни, 111 та оилавий эпидемик ўчоқларда яшовчи 833 нафар COVID-19 беморлари билан оилавий мулоқотда бўлишган шахсларни, 727 нафар реанимация ва интенсив терапия бўлимларида даволанган COVID-19 беморларини, 125 нафар COVID-19 билан касалланган тиббиёт ходимларини кузатиш, клиник-лаборатор, иммунологик ва ускунавий текшириш натижасида олинган маълумотлар келтирилган. Иммунологик усуллар ёрдамида иммун тизимининг гуморал иммун жавоб кўрсаткичлари қон зардобини намуналарида IgM, IgG ва IgA синфига мансуб антитаналар текшириш усуллари ёрдамида аниқланган. Тақдим этилаётган тиббий ёрдамнинг ташкилий жиҳатларини баҳолаш ва предикторларни аниқлаш учун тасодифий танлов усулидан фойдаланилган.

Олинган эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун Pentium-IV шахсий компьютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакетидан фойдаланиб, M, m, t ни ҳисоблаш ҳамда Стъудент жадвали ёрдамида P ни топиш амалга оширилган.

Диссертациядаги **«COVID-19 тарқалганлигини белгиловчи омиллар ва тиббиёт муассасалари шароитида касаллик тарқалишининг ўзига хослиги»** деб номланган учинчи бобида Самарқанд вилоятида COVID-19 тарқалганлиги жадаллиги, таркиби, динамикасини ва уларни белгиловчи омилларни ҳамда тиббиёт ходимлари касалланишининг ўзига хослигини таҳлил этиш ва баҳолаш натижалари келтирилган.

Вилоят бўйича COVID-19 билан касалланишнинг ўртача интенсив кўрсаткичи ҳар 100000 нафар аҳолига нисбатан 62,9 дан иборат. Вилоят кўрсаткичига қараганда юқори кўрсаткич Самарқанд (176,7) ва Каттақўрғон

(109,1) шаҳарларида, ҳамда Самарқанд шаҳрига ёндош Тайлоқ (102,6), Самарқанд (91,5) ва Оқдарё (81,0) туманларида қайд этилган.

COVID-19 билан касалланиш даражаси, эркаклар ўртасида (ҳар 100000 нафарга 75,0) аёллар касалланишига (53,1) нисбатан 1,4 марта юқори. COVID-19 билан касалланиш нуқтаи назаридан эркакларнинг “хавф гуруҳи” га мансублиги, уларнинг ижтимоий фаоллиги сабабли, SARS-CoV-2 юқиш эҳтимоллиги мавжуд вазиятларга кўпроқ дуч келишлари билан изоҳланиши мумкин. Бироқ бу ҳолат иммунопатогенетик механизмлар, преморбид ҳолат, жинсга қараб касалликнинг манифест кечишидаги тафовутлар билан ҳам белгиланиши мумкинлигини эътиборга олиниши жоиз.

Ўртача кўрсаткичга (62,9) нисбатан юқори кўрсаткич 25-29 (109,0), 40-49 (103,0), 30-39 (93,0), 15-17 (91,1) ва 18-24 (91,1) ёш гуруҳларида қайд этилди ва ушбу ёш гуруҳларидаги шахслар “хавф гуруҳи”га мансуб.

Ижтимоий-касбий гуруҳлар бўйича COVID-19 билан касалланишнинг энг паст кўрсаткичи (ҳар 100000 нафарга 11,5) – ўртача кўрсаткичга (62,9) қараганда 5,5 марта паст кўрсаткич мактабгача ёшдаги болалар гуруҳида қайд этилган. Шу билан бирга, мазкур гуруҳдаги уюшган жамоаларга мансуб болаларнинг касалланиши (17,5), уюлмаган болалар касалланишига (6,8) қараганда 2,6 марта юқори ($p < 0,05$). Ўртача кўрсаткичга қараганда, уюшган болаларнинг касалланиши 3,6 марта кам бўлса, уюлмаган болаларнинг касалланиши 9,3 марта камроқ. Ўртачага нисбатан, касалланиш давлат хизматчиларида (86,2) 1,4 марта, мактаб-лицей ўқитувчиларида (90,8) 1,4 марта, коллежлар ва олий ўқув юртлари педагогларида (119,0) 1,9 марта ҳамда тиббиёт ходимларида (167,3) 2,6 марта юқори, яъни “хавф гуруҳи”га мансуб. Қайд этилган 2506 та COVID-19 билан касалланиш ҳолатларидан 125 таси (4,9%) тиббиёт ходимлари ўртасида кузатилган.

COVID-19 клиник оғир ва ўта оғир шаклларининг частотаси тиббиёт ходимларида (тегишлича 26,4% ва 16,8%), 18 ёш дан юқори беморлар гуруҳидагига (22,3% ва 11,8%), ва жами беморлар гуруҳидагига (19,0% ва 10,0%) қараганда сезиларли даражада юқори. Зотилжам ташхис этилиш частотаси COVID-19 билан касалланган тиббиёт ходимларида 91,5%, 18 ёш дан юқори ёшдаги беморлар гуруҳида 69,9% ва умумий беморлар гуруҳида 67,3% ни ташкил этади. Бизнингча, COVID-19 нинг тиббиёт ходимларида таққосланаётган гуруҳлардагига қараганда оғир кечиши, гуруҳлар ўртасидаги инфекциянинг юқиш шароитларидаги ўзига хослик (тафовут) билан изоҳланган.

Тиббиёт ходимларига касалликнинг юқиши ДПМ девори ичида – ёпик муҳитда, бирварақайига касаллик кечишининг продромал ва клиник авж олиш даврларидаги (қўзғатувчи катта миқдорда, юқори частотада ва юксак вирулентликда ажраладиган давр) бир неча беморлардан қайта-қайта юқиш (суперинфекция) кўринишида содир бўлади.

Диссертациянинг «**COVID-19 кечишининг клиник-иммунологик параллеллари**» деб номланган тўртинчи бобида илмий ишнинг асосий вазифалари ҳал этилишини кўзда тутувчи касаллик кечишининг турли клиник шаклларида иммун тизимнинг хужайравий ва гуморал бўғинида

содир бўладиган ўзгаришларни тадқиқ этиш натижалари тақдим этилган. COVID-19 пациентларидан 601 (24,0%) нафарида касалликнинг енгил, 1178 (47,0%) нафарида ўртача оғирликда кечиши кузатилган. Оғир ва ўта оғир ҳолатлар тегишлича 476 (19,0%) ва 251 (10,0%) нафар беморларда қайд этилган.

COVID-19 ўртача оғирликда, оғир ва ўта оғир кечаётган беморларда зотилжамнинг ташхис этилиш частотаси ўртача 67,3% ни ташкил этиб, касаллик кечиши оғирлашувига мутаносиб равишда ошиб борган. 18 ёшгача беморлар гуруҳида касалликнинг ўрта оғир шакли 82 нафар болада қайд этилиб, шулардан 8 (9,7%) нафарида зотилжам ташхис этилган. 18 ёшдан юқори ёшдаги беморлар гуруҳида эса ўртача 69,9% ҳолатда, жумладан касалликнинг ўрта оғир шаклида 55,0%, оғир ва ўта оғир шаклларида тегишлича 88,4% ва 100,0% ҳолатларда зотилжам қайд этилган.

Реанимация ва интенсив терапия бўлимларига (РИТБ) ётқизиш зарурияти 25-29 ёшдаги беморлар гуруҳида 4,2% ҳолатда кузатилган бўлса, 30-39 ёш гуруҳида 25,7%, 40-49 ёш гуруҳида 75,6%, 50-59 ёш гуруҳида 83,3%, 60 ёш ва ундан юқори ёшдаги беморлар гуруҳида 89,3% ҳолатда кузатилган.

РИТБ шароитида даволанган COVID-19 беморларининг жинс таркибида эркекларнинг ҳиссаси (56,5%), аёллар ҳиссасига (43,5%) қараганда 1,3 марта юқори эканлиги аниқланди (1-жадвал). Тегишли жинсдаги ҳар 1000 нафар COVID-19 билан касалланган шахсларга нисбатан РИТБ га ётқизилган беморларнинг жинс бўйича кўрсаткичи мос равишда $306,7 \pm 12,6$ ва $271,0 \pm 13,0$ ни ташкил этган ($p < 0,05$). РИТБ га ётқизилишнинг мутлақ хавфи эркек жинсига мансуб беморлар гуруҳида 0,31 га, аёл жинсига мансуб беморлар гуруҳида 0,27 га тенг эканлигини, нисбий хавфи эса 1,15 дан иборат.

1-жадвал

Реанимация ва интенсив терапия бўлимига госпитализация қилинган COVID-19 пациентларининг жинс таркиби (Самарқанд вилояти, 2020 й.)

Жинс	Умумий COVID-19 пациентлари		РИТБ контингенти		
	мутлоқ	%	мутлоқ	%	Ҳар 1000 нафар беморга
Эркек	1340	53,5±1,0	411	56,5±1,8	306,7±12,6
Аёл	1166	46,5±1,0	316	43,5±1,8	271,0±13,0 $p < 0,05$
Жами	2506	100,0	727	100,0	290,1±9,1

РИТБ га госпитализация қилинган COVID-19 беморлари преморбид фонига кўра таҳлил этилганида, ўртача тана вазни индекси $29,3 \text{ кг/м}^2$ дан иборатлиги, уларнинг аксарияти артериал гипертензия ($43,1 \pm 1,8\%$), юрак ишемик касаллиги ($29,0 \pm 1,7\%$) ва қандли диабет ($28,2 \pm 1,7\%$) каби ёндош касалликлардан азият чекишлари аниқланган.

РИТБ га госпитализация қилинган COVID-19 беморларида, гемоглобин - 121 ± 13 г/л, лейкоцитлар – $7,5 (6,0-9,5) \times 10^9$, тромбоцитлар – $211 \pm 55 \times 10^9$, нейтрофиллар – $5,5 (4,1-7,8) \times 10^9$ дан иборат. Лимфоцитлар миқдори – $0,8 (0,5-1,0) \times 10^9$ бўлиб, меъерий кўрсаткичга (1,2-3,0) қараганда 1,5-3,7 марта пастрок, яъни беморларда сезиларли лимфоцитопения кузатилди. Нейтрофил-лимфоцитар нисбат 6,9 га тенг беморларда С-реактив оксил – 92 (33-111) мг/л ва прокальцитонин – 0,2 (0,1–0,6) нг/мл миқдори кескин ошган. Коагулограмма таҳлилида D-димер – 0,55 (0,38–1,94) мкг/мл миқдорининг сезиларли даражада ошганлиги ва гиперфибриногенемия 4,8 г/л ($\pm 1,2$), яъни яққол коагулопатия аломатлари кузатилган.

Ўпканинг сунъий вентилицияси (ЎСВ) аппарати қўлланилган гуруҳда (143 нафар) ЎСВ қўлланилмаган гуруҳга (584 нафар) қараганда беморларнинг ўртача ёши (тегишлича 66 ёш ва 53 ёш), тана вазни индекси ($29,2 \text{ кг/м}^2$ ва $27,8 \text{ кг/м}^2$), эркактларнинг улуши (68,5% ва 53,6%) юқори. Ёндош патологиялар частотаси ЎСВ қўлланилган гуруҳда ЎСВ қўлланилмаган гуруҳдагига қараганда сезиларли даражада ортиқ.

COVID-19 да хужайравий иммунологик ўзгаришларни тадқиқ этиш мақсадида, енгил (1-гуруҳ), ўртача оғирликдаги (2-гуруҳ) ҳамда РИТБ га ётқизилган – оғир ва ўта оғир (3-гуруҳ) ҳолатдаги беморлар таққосланди. Яққол лимфопения туфайли 3-гуруҳдаги беморларда, 1- ва 2-гуруҳдаги беморларга нисбатан фаоллаштирилган Т-лимфоцитлар, В-лимфоцитлар ва фаоллаштирилган НК-хужайралари, IL-2 рецепторининг α -занжирини экспрессияловчи фаоллаштирилган CD25+Т-лимфоцитларнинг мутлақ қийматларида ишонарли тафовут мавжудлиги аниқланган.

Касаллик енгил, ўртача ва оғир кечаётган беморларнинг қон зардобидаги TNF- α концентрацияси меъерий қийматлар доирасида эканлигини кўрсатди (2-жадвал). IL-6 миқдори 1-гуруҳдаги пациентлар намуналаридагига нисбатан 2- ва 3-гуруҳдаги беморлар намуналарида тегишлича 2 ва 4 марта юқори. IL-6 даражасининг сезиларли ўсиши беморлар ҳолатининг оғирлигига мутаносиб тарзда ошиб борган ($p < 0,05$).

2-жадвал

COVID-19 клиник кечишининг турли шаклларида TNF- α ва ИЛ-6 (нг/мл) миқдори (Самарқанд вилояти, 2020 й., N=2506)

Кўрсаткич	Пациентлар ҳолати			P
	Енгил	Ўртача оғир	Оғир/ўта оғир	
IL-6, нг/мл	11,33	21,77	47,98	$p < 0,05$
TNF- α , нг/мл	2,95	2,50	2,45	

COVID-19 касаллиги бошланишининг дастлабки 10 кунлиги мобайнида (1-марта текширув) турли клиник шакллардаги беморларда гуморал иммунологик кўрсаткичлар – IgM, IgG ва IgA синфига мансуб антитаналар мос равишда 6,3%, 5,5% ва 21,4% ҳолатларда аниқланган (3-жадвал). Касаллик бошланишининг дастлабки ўн кунлиги мобайнида IgM ва IgG синфига мансуб антитаналар пайдо бўлиш частотасида сезиларли тафовут бўлмаган ($p > 0,05$), аксинча, IgA синфига мансуб антитаналарнинг

аниқланиш частотаси IgM ва IgG антитаналар аниқланиш частотасига нисбатан ишонарли тарзда юқори ($p < 0,05$) бўлган.

3-жадвал

COVID-19 кечишининг турли оғирлик даражасидаги пациентларда гуморал иммун жавоб кўрсаткичларининг динамикаси, N=2506

Клин ик кечи ши	Текширувлар кетма-кетлиги ва иммуноглобулинлар аниқланиш частотаси								
	IgM - Мутлоқ (%)			IgG - Мутлоқ (%)			IgA - Мутлоқ (%)		
	1- марта	2- марта	3- марта	1- марта	2- марта	3- марта	1- марта	2- марта	3- марта
